

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/29.10.2021.T.101.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА САОДАТ ИСЛОМОВНА

БАРҚАРОР КИЙИМ АССОРТИМЕНТИНИ ЛОЙИҲАЛАШ
УСЛУБИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ
(МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ФОРМА)

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Шарипова Саодат Исломовна

Барқарор кийим ассортиментини лойиҳалаш услубини тадқиқ қилиш
ва ишлаб чиқиш (мактаб ўқувчилари учун форма)..... 3

Шарипова Саодат Исломовна

Исследование и разработка метода проектирования одежды
стабильного ассортимента (форменная одежда для учащихся школ)..... 23

Sharipova Saodat Islomovna

Research and development of a method for designing clothes with a stable
assortment (uniforms for school students) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/29.10.2021.T.101.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА САОДАТ ИСЛОМОВНА

БАРҚАРОР КИЙИМ АССОРТИМЕНТИНИ ЛОЙИҲАЛАШ
УСЛУБИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ
(МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ФОРМА)

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро– 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/T809 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муминова Умида Тохтасиновна
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Набижонова Наргиза Насимжоновна
техника фанлари доктори, доцент

Гафурова Нигора Тўймуродовна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «5» апрел соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Қаюм Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (65) 223-78-84, факс: (65) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz, Бухоро муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро ш., Қаюм Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (65) 223-78-84).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» ____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» ____ даги № __рақамли реестр баённомаси).



Х.Қ.Рахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Р.Х.Нурбоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.н., доцент

М.З. Шарипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ф.м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатларини изчил ва барқарор ривожлантириш энгил саноат корхоналарида замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, ҳамда маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш, бошқариш ва янги ассортиментларини яратиш жаҳон бозорида рақобатбардош энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. “Дунёда тўқимачилик саноати ип-газламалар ишлаб чиқарадиган корхоналар – 67%, кимё толали газламала ишлаб чиқарадиган корхоналар – 20 %, жун газламалар ишлаб чиқарадиган корхоналар – 10%, зиғир толали - 1,6%, бошқалар эса -1,4% ташкил этади ва бунда бешта худудлар, яъни Шарқий ва Жанубий Осиё, МДХ давлатлари, Европа ва АҚШ давлатлари етакчилик қилмоқда. Тўқимачилик дунё бозорида тикув маҳсулотлари учун мўлжалланган газламаларни ишлаб чиқариш 120 млрд.м² ни ташкил этади”¹. Шу жиҳатдан тикувчилик саноатини ривожлантириш учун иш сифати юқори ҳамда ресурстежамкор техника воситалари ва технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда тўқимачилик ва тикув-трикотаж ишлаб чиқариш техника ва технологияларни такомиллаштириш, янгиларини яратиш ҳамда илмий асосларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари кенг олиб борилмоқда. Бу борада, энгил саноат жараёнлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг рационал параметрларини ва илмий асосланган технологияларни ишлаб чиқиш, рақобатбардош, сифатли тайёр маҳсулот ассортиментларини кенгайтириш, жумладан, барқарор кийим ассортиментини лойиҳалаш услубларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж тайёр саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, илмий асосланган янги техника ва технологияларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш..”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ривожланишнинг кластер моделини амалиётга жорий қилиш, замонавий энгил саноат ускуналарида юқори сифатли маҳсулот олиш технологиясини ва унинг илмий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-

¹<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira.International Trade Centre, ttp://www.export.by/act, http://worldofschool.ru2016>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

687-сонли "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сонли "Тўқимачилик ва трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги ВМҚ-666-сонли "Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга қадар турли ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш усулларини яратиш ва такомиллаштиришда бир қатор олимлар, жумладан, Е.Б.Коблякова, Г.П.Бескоровайна, В.Е.Кузьмичев, И.В.Черунова, Р.О.Жилисбаева, Б.Р.Рыскулова, О.Н.Харлова, С.В.Куренова, С.К.Лопандина, Г.И.Петушкова, И.Б.Ульяненко, Л.М.Литвинова, И.А.Лукашева, Ж.А.Юсупова, Е.А.Дикунова, Н.Ю.Суконцева ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

Мамлакатимиз олимлари Х.Х.Камилова, С.Ш.Ташпулатов, Ф.У.Нигматова, Д.Ў.Арипжанова, М.А.Абдукаримова, М.К.Расулова, Н.Н.Набижонова, У.Т.Муминовалар томонидан тикув буюмлари дизайни, тикувчилик соҳасини ривожлантириш бўйича маҳаллий материаллардан кенг ассортиментдаги сифатли буюмларни тайёрлаш бўйича комплекс технологиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур тадқиқотларда мактаб ўқувчилари учун формали кийимни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга оид масалалар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган, лекин кийимни эксплуатация жараёнида унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиш ҳамда боғлиқ бўлган комплекс масалалар, жумладан формали кийимларнинг янги ассортиментларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технологияси институти ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №12-13 "Ўсмирлар формали кийимлари комплектини лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш (КХК талабалари мисолида)" мавзусидаги хўжалик шартномаси (2012-2013) ва ЁА1-ОТ-0-18825 "Ўзбекистон Республикаси иссиқ иқлим шароитида болалар кийимини лойиҳалашнинг ўзига хослиги" мавзусидаги (2015-2017) давлат грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳудудий хусусиятларни ва эргономик қулайликни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, таълим муассасалари ўқувчилари учун формали кийимни лойиҳалаш услубини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мактаб ўқувчилари учун формали кийимларни лойиҳалашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

эргономик қулайликни таъминлаш асосида болалар учун формали кийимларни лойиҳалаш услубларини таҳлил этиш;

мактаб ўқувчилари учун формали кийимни истеъмол қилиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда формали кийимлар ассортиментини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва назарий асослаш;

эргономик қулай ва иқлимий шароитлар, ҳудудий хусусиятларни таъминлашга асосланган болалар учун кийимнинг комплексли лойиҳаланган моделларини ишлаб чиқиш;

ўсмирлар учун формали кийимини ишлаб чиқариш шароитида апробацияси тадбиқ этиш, ҳамда амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълим муассасалари ўқувчилари учун турли кўринишдаги формали кийимлар ва лойиҳалаш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳудудий хусусиятларни ва эргономик қулайликларни ҳисобга олган ҳолда, турли ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш услублари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-техникавий маълумотни умумлаштириш учун аналитик усуллар қўлланилди, шунингдек, тадқиқот жараёнида математик статистика, тизимли таҳлил методлари, ижтимоий тадқиқотлар, тикув буюмларини конструкцияси ва технологияси, маркетинг усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмирлар учун тикув буюмларини лойиҳалашда замонавий мактаб формали кийимнинг турли эксплуатация шарт-шароитларига мослашадиган асосий функциялари, яъни костюм шакли, ранги, тарбиявий функцияси каби хусусиятларини инобатга олувчи сўровнома усули ёрдамида тузилмавий тизими ишлаб чиқилган;

саноат даражасида ўсмирлар формали кийимларининг рационал ассортиментини шакллантириш жараёнини намоён этувчи рационал гардероб параметрлари, трансформациялаш турлари ва конструктив ечимлари, кийим компонентларини конфекционлаш каби умумлаштирилган услуби ишлаб чиқилган;

ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида маркетинг тадқиқотларни ўтказишнинг усули такомиллаштирилган бўлиб, истеъмолчиларнинг ёшга доир хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўсмирлар мактаб формали кийимининг ассортименти ва гардеробининг рационал тузулмаси яратилган;

мактаб ўқувчи(ота-она)сининг ижтимоий ҳолатига асосланган ҳолда истеъмол вазиятларига таяниб кийим ассортиментни ва гардеробининг оптимал номенклатурасига боғлиқлик қонунияти аниқланган;

трансформация тамоийллари ва трансформацияланадиган конструкциялар классификацияси асосида пропорционал мослашадиган (адаптация) янги трансформация схемаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактаб ўқувчилари учун ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда формали кийим турларини шакллантириш усули такомиллаштирилган;

ўсмирлар формали кийимларининг конструктив-технологик ҳужжатлари ишлаб чиқилган;

ўсмирлар (ўғил ва қиз болалар учун) формали кийимларининг янги саноат намуналари яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг SAP 2021 0125 ва SAP 2021 0126-сонли патентлари, шу билан бирга ўқиш давомида ёзги, мавсумий ва қишки мавсумда фойдаланишга мўлжалланган, Россия Федерациясининг RU2717717-сон ихтиро патенти билан ҳимояланган “кейп” ва сумка-рюкзакка трансформацияланадиган кўп функционал куртканинг оригинал конструкцияси ва технологик ечимга эга ишланма таклиф қилинган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти мактаби ўқувчилари учун мўлжалланган кийим комплекларининг техник шартлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг ўзаро мувофиқлиги, критерияли баҳолаш бўйича уларни бир-бирига мослиги, тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга кенг кўламда қўлланиши ва уларни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ижобий баҳоланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти формали кийим саноат ассортиментини лойиҳалаш усулини такомиллаштириш ва асослаш, функционал-истеъмолчилик талаблар асосида болалар кийими қулайлигини таъминлаш учун усул ишлаб чиқиш, иқлим шартоти ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ўсмирлар формали кийимини лойиҳалаш жараёнининг тузилмавий-мантқиқий моделини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудий хусусиятларни ва эргономик қулайликларни ҳисобга олган ҳолда, турли ассортиментдаги кийимларни, яъни ўсмирлар формали кийимларини шакллантириш услубини ишлаб чиқилганлиги, мактаб ўқувчилари учун формали кийим ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқилган буюмларнинг юқори сифати ва эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи формали кийимларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш технологик шартлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Болалар формали кийимини лойиҳалаш услубини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Ўғил ва қиз болалар учун ижтимоий талабларини юқори даражада қондирувчи формали кийимларининг янги саноат намуналари (SAP 2021 0125, SAP 2021 0126) ва кўп функционал кийим учун Россия Федерациясининг ихтирога патентлари олинган (RU2717717). Натижада ўғил ва қиз болалар форма кийимлари ва “Кейпи” ва сумка-рюкзакка трансформацияланадиган кўп функцияли куртканинг оригинал конструкцияси ва технологик ечими таклиф қилинган;

яратилган ўсмирлар формали кийимининг янги комплекти (жакет ва юбка) “OFS” МЧЖ тикув буюмлари ишлаб чиқариш корхонасига жорий этилган (Бухоро ш. Халқ таълими бўлимининг 2020 йил 21 октябрдаги № 01-541-сон маълумотномаси ва “O`zto`qimachilik sanoat” уюшмасининг 2021 йил 22 июндаги №03/14-1935-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги 11,4%га ошириш имконини берган;

яратилган болалар формали кийимининг янги комплекти (устки ва кундалик кийим комплекти) “O`zto`qimachilik sanoat” Уюшмаси тизимида, хусусан “IDEAL” тикув буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида жорий этилган (“O`zto`qimachilik sanoat” уюшмасининг 2021 йил 22 июндаги №03/14-1935-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги 9,1%га ошириш имконини берган;

яратилган болалар формали кийимининг янги комплекти (устки ва кундалик кийим комплекти) Тошкент ва Бухоро шаҳрининг “Oxbridge International School”, “Oltin Qanot”, №13 ва №23 умумтаълим мактабларида тадбиқ этилган. Натижада болаларнинг формали кийимдан юқори қониқиши таъминланган ва ижтимоий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий конференцияларда, шу жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация ишлари “Болажонлар ширинтойлар” ва “Осиё Рамзи” Уюшмаси (2018-2019 й.й.) республика ва халқаро ёш дизайнерлар танловларида намойиш қилинган ва сертификат билан тақдирланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация бўйича 26 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан нашрга тавсия этилган илмий журналларда 9 та илмий мақола, жумладан, улардан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган, 1 та монография, 1 та Россия Федерациясининг ихтиро учун патенти ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг саноат намунасига 2 та патент олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 121 саҳифани ташкил этади.

Муаллиф диссертация ишида келтирилган назарий ва тажрибавий тадқиқотларни ўтказишда ўзининг қимматли маслаҳат ва ёрдамлари учун илмий маслаҳатчи т.ф.д., проф. С.Ш.Ташпулатовга чуқур миннатдорчилигини билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси бўйича тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети баён қилинган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий йўналишларига мутаносиблиги келтирилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалда қўлланилиши бўйича маълумотлар, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Ўқувчилар формали кийимини лойиҳалашда маълумотларни тизимлаш ва таҳлил қилиш”** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбаларининг таҳлили шарҳи, хусусан, болалар формали кийимини лойиҳалашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни таҳлили келтирилган. Болалар формали кийими ассортиментининг рационал тузилмаси шакллантирилган ва истеъмолчилар талабини ўрганишнинг замонавий усулларининг, ўзига хос томонлари ёритиб берилган. Ўсмирлар формали кийимини лойиҳалашда ва истеъмол талабини қондиришда маркетинг тадқиқоти жараёнларининг беш босқичда амалга ошириш тавсия этилган (1-расм).



1-расм. Маркетинг тадқиқоти жараёнининг босқичлари


Маркетинг тадқиқотларнинг асосий маълумотларни йиғиш усули сифатида анкета сўровномаларни ўтказиш орқали амалга оширилди. Ўсмирлар формали кийимини лойиҳалашда рангларнинг аҳамиятли хусусиятлари аниқланди (2-расм), ҳамда кийимга қўйиладиган талаблар таҳлил қилинди.

Бунда буюмнинг ўзига хос функционал ва истеъмолчилик хусусиятларини, ўсмирлар организмнинг физиологик ривожланишини ҳисобга олиб, тўқимачилик материаллари ва кийими пакетини танлашда комплексли ёндашиш амалга оширилди. Шу билан бирга ўсмирлар формали кийимини лойиҳалашда морфологик трансформация элементларидан фойдаланиш зарурлиги аниқланган.



2-расм. Ўқувчилар формали кийимида рангларнинг аҳамиятли хусусиятлари

Диссертациянинг “**Мақсадни асослаш ва тадқиқот усулини танлаш**” деб номланган иккинчи боби тавсия қилинган натижасида ўсмирлар формали кийимини лойиҳалаш услубини такомиллаштириш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Дастлабки вазиятни таҳлил қилиш ва аниқлаш истеъмол бозорини лойиҳалашдан олдин ўрганиш бўйича мақсадли ҳаракатларни яратиш ва саноат даражасида рационал ассортиментини ишлаб чиқиш учун амалга оширилади. Комплексли объект (ассортимент) ёки алоҳида ассортимент бирлигини лойиҳалашда дастлабки вазиятни таҳлил қилиш истеъмолчилик ҳолатларини синтез ва таҳлил қилишни ўз ичига олади. Истеъмол ҳолатлари деганда боланинг фаолияти содир бўладиган ва куннинг маълум бир вақтида унга маълум таъсир кўрсатадиган атроф-муҳит омилларининг йиғиндиси аниқланди (3-расм).



3-расм. Катта мактаб ўқувчиларининг вақт бюджети

Юқори синф ўқувчилари асосий вақтининг ярмидан кўпи (51,3%) ўқиш жараёнига ва бориб-келиш учун кетади. Мактаб ўқувчиларининг кунлик бюджети улушида иккинчи ўринни асосий қайта тикланувчи дам олиш вақти – ухлаш (26,7%), учинчи ўрин (10%) – шахсий гигиенага кетадиган вақт, ўз-ўзига хизмат қилиш, овқатланиш ва ҳ.з.лар учун вақт сарфи эгаллайди. Бўш вақтнинг улуши 4,1% ни ташкил қилади. Бошқа фаолиятларга кунлик вақтнинг 7,9% кетади.

Маркетинг тадқиқотлар босқичларига мувофиқ мамлакатда мавжуд иқтисодий вазият билан, аҳолининг ҳақиқий ойлик даромадини баъзан аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун, ўсмирлар формали кийими бозорининг сегментациясини амалиётда фақат куйидаги ижтимоий – демографик ва географик хусусиятларга кўра амалга ошириш мумкин (4-расм). Формали

кийим бола ҳаёт фаолиятининг ижобий ўтиш ҳолатини ташқи муҳитда таъминлайди, болани атроф-муҳит билан ўзаро таъсирини кенгайтиради, унинг фаолият шароитларини оптималлаштиради, айниқса, бола организми учун жуда муҳимдир, чунки формали кийимлар ва кундалик кийимлар энг кўп кийиладиган кийимлар қаторига киради.



4-расм. Болалар кийим бозорининг сегментланиши

Бухоро ва Навоий ҳудудлари кескин континентал иқлим ҳароратининг мавсумий ва суткалик ўзгаришлари каби, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради, бу эса болалар кийими пакети қалинлиги ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади. Мактабдаги болаларнинг фаолияти шунчалик хилма-хилки, ўсмирлар кийими коллекцияси ассортиментини шакллантиришда ўсмир кийимларига талабларни белгилаш учун уларнинг турлари ва ушбу ҳолатларда ишлатиладиган кийимларнинг функцияларини кўриб чиқилган ва қайта ишлаб чиқилган (5-расм).




5-расм. Замоनावий формали кийимларининг тарбиявий функцияларининг таркибий схемаси.

Олинган дастлабки маълумотлар кейинчалик ўсмирлар формали кийимлари моделлари саноат коллекциясининг рационал таркибини шакллантириш тизими учун маълумотлар базаси ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Диссертациянинг “Ўсмирлар формали кийимлари гардеробининг барқарор ассортиментини шакллантириш” деб номланган учинчи бобида ўсмирлар кийими барқарор рационал кўп функционал гардеробини шакллантириш жараёнида дастлабки маълумотларни йиғиш босқичлари, морфологик трансформациянинг турли усулларидадан фойдаланган, ҳолда ўсмирлар формали кийимларининг рационал кўп функцияли гардеробини шакллантириш жараёнининг структуравий схемаси ишлаб чиқилган, болалар кийимининг замонавий ассортиментларининг кўп учрайдиган устувор частотаси аниқлаш учун мода журналлари ва дўкон-расталардан фойдаланган ҳолда болалар кийимларининг костюм-кўйлак ассортиментининг таҳлиллари, худудий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўсмирлар устки кийими истеъмоли бўйича маркетинг тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

6-расмда дизайнерларнинг замонавий таклифлари ва кийимларни трансформациялаш соҳасидаги маҳаллий ва хорижий патент ишланмалари таҳлили кийимларнинг асл шакллариини ўзгартиришнинг баъзи қонуниятлари аниқланди ва улар трансформацияланадиган кийим турлари бўйича бирлаштирилган. Трансформация элементларига (ТЭ) декомпозициялаш ва бўлаклаш орқали, кийим предметлари функциялари ва дастлабки шакллариини ўзгартириш схемасининг структураси ишлаб чиқилган.



6-расм. Кийимларнинг дастлабки шакллари ва функцияларини модификациялашнинг структурали схемаси.

Ўсмирлар формали кийимлари гардеробини кўп функцияли кийимлар комплекти кўринишида тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг ривожланишига трансформация тамойиллари асосида комбинатор-морфологик усул нуқтаи назаридан ёндашиш керак. Ўсмирлар формали кийимларининг рационал кўп функцияли гардеробини шакллантириш жараёнининг структуравий схемаси ишлаб чиқилган ва тавсия этилган (7-расм). Морфологик рационал гардеробни шакллантириш жараёнининг кўриб чиқилган босқичларига мувофиқ, трансформация жараёнининг шаклланиши ва конструктив-технологик ечими билан боғлиқ муаммоларни, кийим турлари ва уларнинг трансформацияси, трансформацияланадиган элементларнинг структуравий алоқалари ва ўсмирлар кийимларини модификациялари тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, ўсмирлар кийимларини турли хил трансформация қилиш турлари асосида ҳал қилинди.




7-расм. Ўсмирлар формали кийими кўп функционал рационал гардеробини шакллантиришнинг структурали схемаси

Бухоро шаҳридаги 722 та моделлар таҳлил қилинди: мода журналларидан 337 та модел, "Flo", "Indenim", "Мир текстиля", "Болажон", "Конфорт текстиль" дўконларидаги 325 та моделлар ва 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қиз болалар учун 60 та кийим моделлари қатнашди. Таҳлил


натижаларига кўра кийимларнинг 28 ассортимент гуруҳлари аниқланди, улар кейинчалик

12 гуруҳга бирлаштирилди (8-расм). Олинган маълумотларнинг таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, энг кенг тарқалган силуэтлар тўғри (курткаларда - 20,5%, жакетларда – 7%, блузкалар - 6,9%) ва яримёпишган (блузкаларда – 10%, курткаларда - 8,3%, жакетларда - 6,7%), топлар ва водолазкалар, асосан, ёпишган силуётда (10%), кўйлақлар – трапециясимон силуётда - 11,6% учрайди (9-расм).



8-расм. Қиз болалар кийимининг кўп учрайдиган турларининг тақсимланиш частотаси

Таҳлил, мактаб ёшидаги қиз болалар учун устки кийимнинг конструктив ечимининг мавжуд вариантлари тўғрисида маълумотларни тизимлаштириш имконини берди. Болалар кийимлари ҳам эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли рангни тўғри танлаш уни лойиҳалашда асосий ўрин тутди.



9-расм – Қиз болалар устки кийимда кўп учрайдиган силуэт турлари частотасини тақсимлаш диаграммаси

Етарлича тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун таҳлил бир вақтнинг ўзида мода журналлари ва ихтисослашган болалар кийим дўконларида, хусусан Бухоро ва Навоийда сотиладиган болалар кийимлари ассортиментини ўрганиш натижаларига кўра амалга оширилди. Қизлар учун устки кийимнинг конструктив-композицион таҳлилинини ўтказиш бизга

маълум бадий ва конструктив параметрлари устуворлигини тадқиқ қилиш натижасида олинган маълумотларни тизимлаштиришга, шунингдек, қизлар учун устки кийимларнинг колористик ечимини кўрсатди. Шундай қилиб, кийимларнинг ранг ечимини танлашда рангларнинг уйғун комбинациясини, шунингдек, уларнинг индивидуал гуруҳларидаги болалар учун имтиёзларни ҳисобга олиш керак.

Худудий шарт-шароитдан келиб чиқиб катта мактаб ёшидаги болалар учун устки кийимга оид маркетинг тадқиқот ўтказилди. Турли ёшдаги гуруҳларда олиб борилган сўровнома натижаларидан устки кийимлар комплектини афзаллиги маълум бўлди. Ишончли маълумот олиш учун Бухоро вилояти, Навоий вилоятида мактаб ёшидаги болалар билан доимий яшовчи истеъмолчилар ўртасида сўровнома ўтказилди. Интернет тармоғи орқали ота-оналар (истеъмолчилар) ва мутахассислар ўртасида юзма-юз ва сиртки сўровнома ўтказилди. Сўровда 770 киши иштирок этди, улардан 6,9% эркаклар, 93,1% аёллар. Сўровнома тахлили шуни кўрсатдики кийим сотиб олаётганда истеъмолчилар иссиқлик сақлаш хусусиятларини (10%), ранги (10%), алоҳида кийим элементларидан фойдаланишга қулайлиги (7%), хизмат кўрсатиш муддати (22%), ишлаб чиқариш сифати (13%) ни афзал кўради (10-расм). Ишлаб чиқариш сифати ва кийимнинг эксплуатация муддатига алоҳида эътибор берилган, бу биринчи навбатда, болаларнинг ҳаракатчанлик қобилиятлари ва ҳаракат фаоллиги билан бўй ўсиши билан боғлиқ бўлиб, бу шубҳасиз буюмнинг жисмоний эскиришига таъсир қилади. Болаларнинг ёши ошгани сайин, ота-оналар кийимнинг композицион-рангли безалишига ва кийимнинг трансформация хусусиятларини тавсифловчи хусусиятларга кўпроқ қизиқиш билдирдилар.



10-расм. Сотиб олинаётган моделни танлашга таъсир қилувчи устки кийимларнинг хусусиятлари.

Шундай қилиб, ўғил-қизлар учун кийим сотиб олишга таъсир кўрсатадиган доминант хусусиятлар асосан, ранг, иссиқлик сақлаш хусусиятлари, айрим элементлардан фойдаланиш қулайлиги ва хизмат қилиш муддати ҳисобланади (10-расм). Шунинг учун, аниқланган омилларга ўсмирлар формали кийимларини лойиҳалашда алоҳида эътибор берилиши керак. Бундан ташқари, ота-оналарга бундай буюмни максимал даражада тавсифловчи саволлар (стил, кийимдаги рангларнинг комбинацияси, силуэт, кийим узунлиги, энг бичими, безак, тақилма тури, энг учига ишлов бериш)

таклиф қилинди. Таклиф этилган саволлар мажмуасига берилган жавоблар ўрганилаётган ҳудудларда ва болаларнинг танланган ёш гуруҳларида сезиларли даражада фарқ қилмайди, шунинг учун шартли буюмнинг элементлари тўплами фақат жинсий асосда бўлинади. Жавобларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кийимларда энг кўп танланган кийимлар бир овоздан спорт (34%) ва классик (28,8%) стиллар деб тан олинди.

Ўсмирлар кийимида энг афзал кўриладиган ранглар ёрқин, тўйинган ранглар (39%), қора, тўқ ранглар (14%), юмшоқ, пастел (14%) ва контраст ранглар (30%) ташкил қилади. Устки кийимлар афзал кўриладиган кийим узунликлари бўкса чизигича 40% ёки бўкса чизигидан пастда 34,0%, белгача 26%ни ташкил қилди.

Ўсмирлар устки кийим учун безак сифатида, безак деталлар кўпинча танланади (апликация 22% ва безак деталлар 38%). Бунинг сабаби шундаки, улар нафақат кийимнинг декоратив безагини, балки функционалигини ҳам таъминлайди. Буларга погонлар, клапанлар, хлястиклар, қоплама чўнтаклар ва бошқалар киради.

Кийим кийилишига таъсир этувчи омилларни баҳолашда, ота-оналар бўй ўсиш (47,8%), маънавий (мода таъсири) (18%) ва моддий (ишқаланиш, ёруғлик-, об-ҳаво таъсири, йиртилиш) (35%) омилларини кўрсатади. Ўғил болаларнинг ота-оналари қизларнинг ота-оналаридан икки баробар кўп бўлса-да, кийимнинг жисмоний эскириши кийимларни эксплуатация муддатларига сезиларли таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтганлар. Бунинг сабаби, ўғил болаларнинг қизларга нисбатан кўпроқ ҳаракатланишидир. Шу сабабли, ўғил болалар кийимида жисмоний таъсирга учрайдиган жойларда, қўшимча ҳимоя воситалари (тизза қопламалар, тирсак қопламалар, қўш чоклар ва бошқалар) тавсия этилади. Шундай қилиб, ўсмирлар кийимларини лойиҳалашда боланинг жинсига қараб эскириш омилларининг динамикасини ҳисобга олиш керак. Костюм элементларини трансформациялашдан фойдаланиш кийимнинг эксплуатация муддатини узайтиради.

Респондентларнинг оила таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, улар орасида ўрта даромадли (74,1%) ва битта (11,4%), иккита (50,5%), учта (29,7%) ёки тўрт ва ундан кўп (7,3%) болали оилаларга тўғри келади. "Кийим сотиб олаётганда болангиз билан маслаҳатлашасизми?" деган саволга жавоблар қуйидагича тақсимланди: 66% - "Ҳа"; 32,3% - "ҳар доим эмас", 26% - "йўқ". Маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, болалар устки кийимининг мавжуд миқдори куз-баҳор мавсуми учун куртка (50%), яримпальто (24%), плаш (18%) ва пальто (8%). Қишки мавсум учун иссиқлик қатламилик курткалар (60%), иссиқлик қатламли пальто (31%), сунъий мўйнали пальто (7%) ва табиий мўйна пальто (2%) ташкил қилади.

Аммо ота-оналар болалар учун устки кийимларнинг куз-баҳор мавсуми учун курткалар (23%), яримпальто (1%), плаш (23%) ва пальто (37%) ларнинг икки ёки ундан кўп керакли миқдорда бўлишини ҳоҳлайдилар. Қишки мавсумда эса иссиқлик қатламли куртка (24%), иссиқлик қатламли пальто (34%), сунъий мўйнали шуба (18%) ва табиий мўйнали шуба (26%) эҳтиёр

этишади. Сўров натижалари болаларнинг фикрини ва жинсини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, фикр ва оила даромадини ҳисобга олган ҳолда статистик жиҳатдан аҳамиятли алоқанинг мавжудлигини тасдиқлади. Шундай қилиб, ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар ўсмирнинг гардеробини ташкил этувчи предметларни аниқлашга имкон берди. Ота-оналар энг кўп эҳтиёжни мавсумий курткалар ва иссиқлик қатламли курткаларга беряптилар. Ўсмирлар ота-оналари фикрига кўра, бўй ўсиш омили ўсмирлар кийимларининг эксплуатация муддатларига энг катта таъсир кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида болалар кийимини вазиятли лойиҳалаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра маҳсулотдан фойдаланишнинг истеъмол ҳолати болалар учун кийим саноат ассортиментининг оптимал номенклатурасини лойиҳалашда методологик жиҳатдан дастлабки бўлиб, болалар кийимини лойиҳалаш учун истеъмол вазиятлари ва дастлабки маълумотларни шакллантириш модели ишлаб чиқилган. Маълумки, жавоб функциясининг аналитик ифодаси номаълум бўлганда кўпинча жавоб функциясининг кўпхад билан регрессия тенгламаси кўринишида ифодаланиши билан чегараланади. Чиқиш параметри сифатида маълум вақт давомида сотиладиган тўплам сонини танлаймиз, болалар сони (1-омил) 1 тадан 6 та болагача, оила даромади (2-омил) 1,2 млн.дан 5,4 млн.гача ва тўплам нархи (3-омил) 0,2 млн.дан 1,2 млн.гача бўлган омиллар бўлиб хизмат қилади ва унинг асосида тўпламни реализациялаш режаси тузилади. Ушбу режадан сўнг тажрибаларнинг стандарт матрицаси тузилади.

1-жадвал

Тўлиқ омил 2^3 тажрибанинг стандарт матрицаси

№	Омиллар оралиғи			Комплектлар сони - y_{ij}					
				Оғиш					
	X_1	X_2	X_3	y_{1i}	y_{2i}	y	S_i	\hat{y}_i	R_i
1	-	-	-	40	42	41	2	40.06	2.28
2	+	-	-	44	48	46	8	44.30	3.67
3	-	+	-	42	46	44	8	46.31	5.25
4	+	+	-	40	44	42	8	42.32	0.74
5	-	-	+	38	41	39.5	4.5	40.44	2.37
6	+	-	+	40	46	43	18	44.68	3.92
7	-	+	+	50	48	49	2	46.68	4.72
8	+	+	+	44	42	45	3	42.68	0.73


Олинган ҳар бир жавоб учун тажриба натижаларини статистик қайта ишлашни қуйидаги тартибда ўтказилди ва регрессия тенгламаси тузилди:

$$y := 43.43750000 + .062500000 X_1 + 1.062500000 X_2 + .187500000 X_3 - 2.062500000 X_1 X_2 - .687500000 X_1 X_3 + 1.312500000 X_2 X_3 - .312500000 X_1 X_2 X_3$$

Шундай тўғри чизиқлар $X_2 = 1$ (оила даромади максимум бўлганда) комплектлар сони $\bar{y} = 41 \div 48$ оралиқда бўлиши учун учинчи омил

(комплектлар нархи) билан биринчи омил (оиладаги болалар сони) орасида қандай боғланиш бўлиши зарурлигини кўрсатади. 11- расмда иккинчи омил $X_2 = 1$ (оила даромади максимум = 5,2 млн.) бўлганда комплектлар сонининг $\bar{y} = 41 \div 48$ ораликда бўлишини таъминлаш учун биринчи омил (оиладиги болалар сони) ва учинчи омил (комплектлар нархи) орасидаги бўладиган боғланишлар графиклари келтирилган. Графиклар таҳлилидан комплектлар сони 41 донадан кам ва 48 донадан эса ошмаслиги лозимлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар асосида болалар кийимини лойиҳалашнинг вазиятли лойиҳалаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра маҳсулотдан фойдаланишнинг истеъмол ҳолати болалар учун кийим саноат ассортиментининг оптимал номенклатурасини лойиҳалашда методологик жиҳатдан дастлабки бўлиб, болалар кийимини лойиҳалаш учун истеъмол вазиятлари ва дастлабки маълумотларни шакллантириш модели ишлаб чиқилган.



11-расм. Иккинчи омил $X_2 = 1$ (оила даромади максимум = 5.2 млн.) бўлганда комплектлар сонининг $\bar{y} = 41 \div 48$ ораликда бўлишини таъминлаш учун биринчи омил (оиладиги болалар сони) ва учинчи омил (комплектлар нархи) орасидаги бўладиган боғланишлар графиклари 1 – $y - 41$, 2 – $y - 42$, 3 – $y - 43$, 4 – $y - 44$, 5 – $y - 45$, 6 – $y - 46$, 7 – $y - 47$, 8 – $y - 48$

Ўсмирлар кийими моделларини ишлаб чиқишда, унинг жинсий жиҳатдан бўлинишига алоҳида эътибор бериш керак, чунки ота-оналарнинг истаклари боланинг жинсига қараб сезиларли даражада фарқ қилади. Маҳсулот кўринишини белгиловчи хусусиятлар асосида ўғил-қизлар учун маҳсулотларнинг шартли "портретлари" яратилди.

Диссертациянинг “Тадқиқот натижалари корхона шароитида апробациядан ўтказиш ва тадбиқ этиш” ўсмирлар формали кийими конструктив ечимини тизимли вариантлари ишлаб чиқилган. Формали кийимлар "хизматлик" кийим бўлгани учун, уни лойиҳалаш учун баъзи талабларни ҳисобга олиш керак.

Ўсмирлар формали кийимини конструкциялаш ва моделлаштиришда ишлатилиши мумкин, шу билан бирга ўсмирлар кийими боланинг қоматига мослашиши билан истеъмол доирасини кенгайтиради, эксплуатация муддатини оширади ва буюмнинг модел қаторини бойитади.

Шу нуктаи назардан ўсмирлар учун формали кийимнинг қатор моделлари ишлар чиқилди (12-расм) ва улар Ўзбекистон Республикаси

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган саноат намунасига патент олинди.

Трансформация тамойиллари ва трансформацияланадиган конструкциялар классификацияси асосида пропорционал мослашадиган (адаптацион) трансформация схемаси ишлаб чиқилган.



**12-расм. Ишлаб чиқилган ўсмирлар учун формали кийим моделлари:
а-қиз болалар учун формали кийим;
б-ўғил болалар учун формали кийим.**

Юқорида ишлаб чиқилган жадвал асосида трансформациянинг тузилмавий-мантиқий схемаси шаклланди (13-расм).



13-расм. Трансформация тамойилларидан фойдаланишнинг мошлаштирувчи тузилмавий-мантиқий схемаси.


Трансформация тамойиллари ва трансформацияланадиган конструкциялар классификацияси асосида пропорционал мослашадиган кийимларини лойиҳалаш жуда ҳам долзарбдир. Деталлар конструкциясини трансформациясини ва комбинацияланган трансформация қўллаб болалар учун совуқ мавсумда фойдаланиш учун мўлжалланган формали кийимларни янги саноат намуналари ишлаб чиқиш мумкин. Кийимларни лойиҳалашда ажратиб-йиғиш элементли трансформацияда “чақмоқ” тасмалар фойдаланиб, устки кийимларда жуда ҳам кўп вариантларни ҳосил қилиш мумкин (14-расм).

Ушбу усулни қўллаб болалар учун совуқ мавсумда фойдаланиш учун мўлжалланган формали кийимларни янги саноат намуналари ишлаб чиқилган.



14-расм. Чизикли-текис трансформация усулида “чакмоқ” тасмадан фойдаланганда кийимлар вариантлари

Жумладан, Россия Федерация интеллектуал мулк федерал хизматининг RU 2717717 патенти билан ҳимояланган “Кейпи” ва сумка-рюкзакка трансформацияланадиган кўп функцияли куртканинг оригинал конструкцияси ва технологик ечими тақлиф қилинган (15-расм).



15-расм. “Кейпи” ва сумка-рюкзакка трансформацияланадиган кўп функцияли куртканинг ташқи кўриниши.

Ишлаб чиқилган болалар ва ўсмирлар формали кийимининг янги комплектини лойиҳалаш услуби ва технологияси “OFS” МЧЖ (самарадорлик 11,4 % ошди), “Nilufar-95” МЧЖ (самарадорлик 10,4 % ошди) ва «Ideal» тикув буюмларини ишлаб чиқариш корхонасига (самарадорлик 9,1 % ошди) жорий этилди. Илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш 154634,6 минг сўмга иқтисодий самарадорлик олиш имконини берди.

Ишлаб чиқилган болалар формали кийими комплекти Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги «Oxbridge International School», № 13 ва №23 умумий ўрта таълим муассасаларига жорий этилди. Жорий этиш натижасида болаларнинг формали кийимдан юқори даражада қониққанлиги таъминланди ва ижтимоий самарадорликка эришилди.

ХУЛОСА

“Барқарор кийим ассортиментини лойиҳалаш услубини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш (мактаб ўқувчилари учун форма)” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидагилар тавсия этилди:

1. Ўсмирлар кийимига қўйилган талабларни шакллантириш ва лойиҳалаш замонавий амалиётини таҳлил қилиш асосида, замонавий тадқиқот ёндашувини қўллаш йўли орқали мактаб ўқувчиларининг морфологик, психофизиологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, кийимни лойиҳалаш услубини такомиллаштириш зарурияти билан асосланади.

2. Ўсмирлар учун тикув буюмларни лойиҳалашда замонавий формали кийимнинг турли эксплуатация шарт-шароитларига мослашадиган асосий функцияларнинг тузулмавий схемаси ишлаб чиқилган.

3. Ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида маркетинг тадқиқотларни ўтказишнинг такомиллаштирилган усулидан фойдаланиб истеъмолчиларнинг ёшга доир хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўсмирлар формали кийимининг ассортименти ва гардеробининг рационал тузулмаси яратилган.

4. Ўқувчи (ота-онаси)нинг ижтимоий ҳолатига асосланган ҳолда истеъмол вазиятларига таяниб кийим ассортименти ва гардеробининг оптимал номенклатурасига боғлиқлик қонунияти аниқланган.

5. Трансформация тамойиллари ва трансформацияланадиган конструкциялар классификацияси асосида пропорционал мослашадиган (адаптацион) трансформация схемаси яратилган.

6. Ўсмирлар формали кийимининг конструктив-композицион ечимларини ишлаб чиқишда ўсмирларнинг қоматлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда ва мобил конструктив зоналарни яратиш мақсадида ўсмирлар формали кийимлари комплекtlари ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Президент мактаби ўқувчилари учун мактаб формасига техник шартлар ишлаб чиқилган ва тавсия этилган.

7. Олинган натижалар асосида болалар формали кийими комплекти ишлаб чиқилди, уларнинг илмий-техник янгилиги Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва Россия Федерацияси Интеллектуал федерал хизмати патентлари билан ҳимояланган.

8. Ишлаб чиқилган болалар формали кийимининг янги комплекти "OFS" МЧЖга жорий этилгандан сўнг 11,4 % ва “Ideal”МЧЖга жорий этилгандан сўнг самарадорлик 9,1 % ошди; умумтаълим мактабларида болаларнинг формали кийимдан юқори даражада қоникқанлилиги таъминланди, ижтимоий ҳамда 154634,6 минг сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/29.10.2021. Т.101.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШАРИПОВА САОДАТ ИСЛОМОВНА

**ИССЕДОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА МЕТОДА ПРОЕКТИРОВАНИЯ
ОДЕЖДЫ СТАБИЛЬНОГО АССОРТИМЕНТА
(ФОРМЕННАЯ ОДЕЖДА ДЛЯ УЧАЩИХСЯ)**

05.06.04 – Технология швейных изделий и дизайн костюма

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2. PhD/T809.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Бухарского инженерно-технологического института (www.bmti.uz) и на информационно - образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Муминова Умида Тохтасиновна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Набижонов Наргиза Насимжановна
доктор технических наук, доцент

Гафурова Нигора Гуймурадовна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Жиззакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «5» апрел 2022 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: 200117, г. Бухара, ул. Каюма Муртазоева-15, Административное здание Бухарского инженерно-технологического института, 2-этаж, малый зал совещаний, тел: (65) 223-78-84, факс: (65) 223-78-84, e-mail: bmti_@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № ____). (Адрес 200117, г. Бухара, ул. Каюма Муртазоева-15, тел. (65) 223-78-84)

Автореферат диссертации разослан «__» ____ 2022 года
(Протокол рассылки № __ от «__» ____ 2022 года)



Х.К.Рахмонов
Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Р.Х.Нурбоев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени, к.т.н., доцент

М.З.Шарипов
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации PhD доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Устойчивое и стабильное развитие текстильной и швейно-трикотажной промышленности в мире связано не только с внедрением современного оборудования на предприятиях легкой промышленности, но и с контролем качества, управления и создания новых конкурентоспособных товаров легкой промышленности различного ассортимента на мировом рынке. «В мире на текстильную промышленность приходится 67% предприятий по производству хлопковой ткани, химического волокна – 20%, шерсти – 10%, льна - 1,6%, другие – 1,4% и лидирует пять регионов, такие как Восточная и Южная Азия, страны СНГ, Европы и США. На мировом текстильном рынке производство тканей для швейных изделий составляет 120 млрд.м².³ В связи с этим очень важным является разработка и внедрение качественной и энергосберегающей техники и технологий для развития швейной промышленности.

В мире проводятся научные исследования, направленные на совершенствование техники и технологий текстильного и швейно-трикотажного производства, создание новых и развитие научной основы. В связи с этим, особое внимание уделяется выявлению факторов, влияющих на процессы легкой промышленности и разработке их оптимальных параметров и научно обоснованных технологий, расширению ассортимента конкурентоспособной качественной готовой продукции, разработке методов создания стабильного ассортимента одежды

В стране осуществляются комплексные меры по развитию текстильной, швейной, трикотажной отраслей лёгкой промышленности, расширению видов и ассортимента производимой готовой продукции, а также по всесторонней поддержке инвестиционной и экспортной деятельности предприятий отрасли. Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит важные задачи, в том числе «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... сокращение потребления энергии и ресурсов в экономике, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производстве»². В реализации этих задач, включая реализацию кластерной модели развития производства готовой текстильной продукции, большое значение имеет изготовление высококачественной продукции на современном оборудовании легкой промышленности и совершенствование ее научной основы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени

¹<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>. International Trade Centre, <http://www.export.by/act>, <http://worldofschool.ru2016>

²Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

способствует выполнению задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 21 декабря 2016 года №ПП-2687 «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017-2019 гг.», №ПП-№4186 от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности», Кабинета Министров №ПКМ-666 от 15 августа 2018 г. «О мерах по обеспечению современной единой школьной формой учащихся государственных общеобразовательных учреждений», а также других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики II.«Энергетика, энергия и ресурсосбережения».

Степень изученности проблемы. К настоящему времени исследования по усовершенствованию методов проектирования одежды разных ассортиментов были проведены в достаточной мере такими учёными, как Е.Б.Коблякова, Г.П.Бескоровайная, В.Е.Кузьмичев, И.В.Черунова, Р.О.Жилисбаева, Б.Р.Рыскулова, О.Н.Харлова, С.В.Куренова, С.К.Лопандина, Г.И.Петушкова, И.Б.Ульяненко, Л.М.Литвинова, И.А.Лукашева, Ж.А.Юсупова, Е.А.Дикунова, Н.Ю.Суконцева и др.

